

“Наврўз дехкон бозори” АЖ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШ
БАЁНИ

2023 йил 18 апрель

соат 11 -^{оо}

Овоз берувчи акциялар сони: 7 150 000 дона эгасини номи ёзилган нақдсиз.

Акциядорларнинг 2022 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани Гулсанам ва Буюк Ипак Йули кучалари кесишмаси манзилда жойлашган “Наврўз дехкон бозори” АЖ маъмурий биносида 2023 йил 18 апрель куни ўтказилди. Йиғилишда 6 881 875 овозга эга 4 та акциядор катнашди, бу жами овоз берувчи акциядорларнинг 96,25 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Йиғилишда қатнашганлар:

Д.И.Ганиев - “Наврўз дехкон бозори” АЖ Кузатув кенгаши аъзоси

И.Т.Тешаев - “Наврўз дехкон бозори” АЖ директори уринбосари

Х.Ж.Олимов - “Наврўз дехкон бозори” АЖ бош бухгалтери.

Д.Шоназаров - “Наврўз дехкон бозори” АЖ кимматли қоғозлар бўйича мутахассис.

Бошка тегишли мутассадди ходимлар, жаъми акциядор 4 та акциядор, 6 881 875 овоз билан катнашиб, йиғилиш ўтказиш учун кворум 98,60 % ни ташкил этди.

Реестр бўйича акциядорлар сони 476 та. 7 150 000 овоз.

Тошкент шаҳар Хоқимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКнинг ишончномаси асосида “Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” бошлиғи ўринбосари Д.И.Ганиев қатнашмоқда.

Йиғилишда раисликни Д.И.Ганиев олиб борди.

Д.И.Ганиев йиғилиш ўтказиш учун кворум 96,25 % бўлганлигини маълум қилди ва йиғилишни очиш учун овозга қўйди.

Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан йиғилишни очиш учун овоз бердилар.

Йиғилишга котиб этиб, Д.Рахматова номзоди таклиф этилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек Д.И.Ганиев Кузатув кенгаши томонидан Д.Шоназаров, С.Абдужамилова ва С.Бердиеваларни йиғилиш санок комиссияси номзодлигига таклиф этилганини билдириб овозга қўйди.

Санок комиссияси юқоридаги таркибда бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси умумий йиғилиш кун тартибига куйидаги масалалар киритилганлигини маълум қилди:

1. *Жамиятнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;*

2. *Жамиятнинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқиш;*

3. *Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;*

4. *Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варағини тасдиқлаш, унинг фойдасини тақсимлаш;*

5. *Жамиятнинг 2023 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш;*

6. *Жамият директорини сайлаш;*

7. *Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;*

8. Жамиятнинг 2023 йил фаолияти учун жамият Аудитори тасдиқлаш ва унга тўланадиган хизмат ҳақининг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш;

9. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва қайта тасдиқлаш;

Йиғилиш раиси кун тартибидаги масалаларни муҳокама этиш учун овозга қўйди. Ушбу таклиф овозга қўйилди ва йиғилиш катнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек, йиғилиш катнашчилари томонидан кун тартибидаги масалалар юзасидан регламент қуйидагича бўлиши ҳақида келишиб олинди.

Биринчи масалага 5 минут, колган масалаларга 3 минут, муҳокамада сўзга чиқувчилар учун 3 минутдан вақт берилиши келишиб олинди.

Санок комиссияси томонидан йиғилиш муҳокамасига қўйилган масалалар юзасидан бюллетенларга овоз бериш қай тартибда амалга оширилиши ҳақида тушунча берилди.

Мажлис раиси кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан сўзни жамият директори уринбосари И.Тешаевга берди.

И.Тешаев сўзга чиқиб, «Наврўз деҳқон бозори» АЖнинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича қуйидагиларни маълум қилди:

«Наврўз деҳқон бозори» АЖнинг молиявий хўжалик фаолиятини 2022 йилга мўлжалланган бизнес режаси ва жамиятнинг 2022 йилги даромадлар ва харажатлар сметасининг 12 ойлик якунлари бўйича жамият режалаштирган даромадлар қисмининг қуйидаги жадвал бўйича амалга оширилди:

Шундан;

Даромадлар	режа	амалда	фарки
Жой ҳақи	2 360 420	2 404 541	44 121
Хизмат ҳақи	1 362 499	1 226 947	-135 552
Ш.ж.Автотухташ даромади	659 090	538 973	-120 973
Ижара ҳақи	4 534 982	4 745 382	210 400
Инфратузилма	243 830	238 200	-5 630
Бошқа даромадлар	356 020	259 496	-96 524
Жами даромадлар	8 857 751	8 874 566	16 815

Жамиятнинг 2022 йил давомида қабул қилинган соф фойда режаси 303 664,0 минг сўм, амалда 476 547,0 минг сўм этиб бажарилди.

2022 йилга режалаштирилган харажатлар миқдори.

Жумладан

		режа	амалда	фарки
1.	Иш ҳақи	2 760 000	3 002 716	242 716
2.	12% ижтимоий солиқ	331 200	360 326	29 126
3.	Сув ва канализация	72 000	124 403	52 403
4.	Электр қуввати	576 000	470 375	- 105 625
5.	Асосий восита эскириши	857 000	972 273	105 273
6.	Муниципал милиция ходим	270 000	264 000	- 6 000
7.	Махсустрас	186 000	197 000	11 460
8.	Телефон телеграф	24 000	17 787	- 6 213
9.	Банк фоиизи хизмати	12 000	7 869	- 4 131
10.	Бошқа харажатлар	180 000	439 336	259 336
11.	Жами харажатлар	7 322 812	7 121 330	- 201 482

Изоҳ :

Иш ҳақи кўрсаткич миқдори -242 716 минг сумга ошиши (иш ҳаққини кўтарилиши, меҳнат таътиллари ва ишдан бўшаганларга компенсация тўланиши ҳисобига)

12% ижтимоий солиқ тўловларлар миқдори -29 136 (иш ҳақи ошиши ҳисобига)

Асосий воситалар эскириши бўйича режадан амалда 105 625 минг сумга ошиши (худудда қурилиш ишлари олиб борилиб объектлар балансга олинishi ҳисобига)

Сметанинг кузда тутилмаган бошқа харажатлар миқдори 259 336 минг сумга ошиши, жамият балансидаги шийпон томи тамирланиши, ҳудудга келувчи катта кабель ишдан чиққанлиги асосида унинг алманишуви, жамият фаолияти учун керак бўлган банерлар тайёрлаш, жамият томонидан чиқарилган акцияларни саклаш харажатлар қилингани сабаб бўлди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа саволларга жавоб олингандан сунг акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни аудиторлик ташкилоти ходими маълум сабабларга келмаганлиги учун жамият бош ҳисобчиси Х.Олимов сўзга чиқди:

- «ХВ FINANSE KONSUTING» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан 2022 йил молиявий – хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви ҳаққоний, конунчиликка асосан ўтказилганлигини айтиб, жамият аудитори томонидан ижобий хулоса берилганлигини айтиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **учинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни жамият бош бухгалтери Х.Олимовга сўз берди.

Жамиятни 2022 йил молиявий – хўжалик ҳисоботи (баланс) бўйича тўлиқ таништириб ўтди.

(«Наврўз дехқон бозори» АЖнинг 2023 йил 1 январ ҳолатига бухгалтерия баланси нусхаси илова қилинади)

Мажлис раиси ушбу масала бўйича савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **туртинчи масала** юзасидан, жамият бош бухгалтери Х.Олимов сўзга чиқиб,

2022 йил якуни бўйича жамият даромадлар ва харажатлар сметасига асосан ҳамда жамият ташки аудитори «ХВ FINANSE KONSUTING» МЧЖ томонидан берилган ижобий аудиторлик хулосасига, шунингдек, жамиятнинг бухгалтерия баланс кўрсаткичларига мувофиқ, 2022 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини қуйидагича тақсимланишини таклиф қилди:

- Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сонли қонуни 12-бандида “Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан, уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2023 йилнинг 1 июлига қадар 2022 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2023 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилиши белгилаб қўйилганидан келиб чиқиб, жамият соф фойдасининг 50% қисми яъни, 238 273,5 минг суми акциядорларга дивиденд тўлашга йўналтиришга, амалдаги қонун бўйича соф фойданинг 5% захирага фондига - 23 827,35 минг сум ва қолган 214446,15 минг сўм соф фойда Ўзбекистон Республикаси “Солиқ кодекси”нинг 41 моддаси (41.4) ва Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 48-моддаси (48.3.) талабларидан келиб чиқиб, акциядорларга дивиденд беришга, яъни капитализация йўли билан жамият устав фондиди кўшимча акциялар чиқариш йўли билан оширишга йўналтириш.

Мажлис раиси кун тартибидаги **бешинчи масала** бўйича сўзни жамият директори уринбосари И.Тешаевга берди сўзга чиқиб, жамиятни 2023 йилга мўлжалланган «Бизнес-

режаси»си билан таништирди сўнг, жамият бош бухгалтери Х.Олимов сўзга чиқиб жамиятнинг 2023 йил «Даромадлар ва харажатлар смета»си режаси билан тўлиқ таништириб ўтиб, йил давомида курсатилаётганг маиший хизмат ставкалари ошиши муносабати билан, зарур булганда «Бизнес-режа» ҳамда «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси»га узгартириш киритиш валолати жамият Кузатув кенгашига берилишини таклиф этди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **олтинчи масала** буйича раислик қилувчи сўзга чиқиб, Амалдаги конунчиликка мувофиқ жамият директори номзодига матбуот, жамият веб-сайтига ва бошқа сайтларга эълонлар берилганлиги ва жамият директорини сайлаш масаласи танлов якунларига кўра бир кишидан яъни жамият директори в.б. О.С.Машариповдан таклиф келиб тушганлигини ва унди жамият директори этиб тайинлаш учун акциядорлар умумий йиғилишига тасдиқлаш учун киритилиши Кузатув кенгаши томонидан таклиф этилганлиги, О.С.Машарипов 2022 йил 3 июн куни ўтказилган жамият Кузатув кенгаши йиғилиш қарорига мувофиқ жамият директори в.б этиб тайинлангани, шу давр мобайнида у ўзининг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги, талабчанлиги ва хушмуомалалиги билан жамоа ўртасида ҳурматга эга бўлди. Меҳнат-технология интизомини сақланишини, ижтимоий кафолатларга риоя қилинишини ва жамият ходимлар меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлаб берди. Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаб, жамият ходимларининг билимлари, малакалари ва қобилиятларига қараб ишни ташкиллаштирди. Бозорлар фаолиятини белгиловчи, тартибга солувчи қарорлар, ҳукуматимиз ва раҳбарият томонидан қўйилаётган талабларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаб борган ҳолда, жамиятда 2022 йилда ижобий кўрсаткичларга эришишда унинг ҳиссаси катта бўлганлигини амьлум қилди.

Бошқа таклифлар бўлмади. Овозга қўйилди

Кун тартибидаги **еттинчи масала** юзасидан жамият қимматли қоғозлар буйича мутахассиси Д.Шо Назаров сўзга чиқиб Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари билан таништириб ўтди. Жамият 2022 йил якунлари буйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижалари буйича «XB FINANSE KONSUTING» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан текширилиб баҳоланганлиги, хулоса натижаларига кўра корпоратив бошқаруви буйича, фоиз шкала 11 бал ёки фоиз микдорда 1 % ташкил этиб, қониқарли хулоса берилганлигини билдириб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича, жорий йилда фоиз шкаласини янада кўтариш чораларини кўрилиши жамият ижроия органи томонидан таъминланиши шарти билан қабул қилинишини таклиф этиб, акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **саккизинчи масала** юзасидан сўзни қимматли қоғозлар мутахассиси Д.Шо Назаров сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531 -сонли қонунига мувофиқ «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни»га ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп микдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига берилиши муносабати билан аудиторлик текширувини ўтказилиши буйича биржада танлов эълон қилинганлигини, «GREAT FOURS» МЧЖ аудиторлик ташкилоти хизмат ҳақи 14 500 000 сум билан биржа ғолиби бўлганлигини билдирди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **тукизинчи масала** юзасидан сўзга, жамият бош бухгалтери Х.Олимов чиқиб, жамиятнинг янги ишлаб чиқилган ташкилий тузилмасини тасдиқлаш таклифини берди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича савол ва қилинган таклифларни инобатга олиб акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари санок ҳайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Кун тартибидаги барча масалаларини муҳокамаси тугагандан сўнг, мажлис муҳокамасига киритилган масалаларга овоз бериш натижалари бўйича тайёрланган баённомани санок комиссия раиси Д.Шоназаров ўқиб эшиттириб, қуйидаги натижалар қайд этилганлигини маълум қилди:

№	Кун тартиби	«Ёклайман»		«Қаршиман»		«Бетарафман»		Овоз бермаганлар		Хақиқий эмаслар		натижа
		сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	
1	Масала	6 881 875	100	0	0	0	0	0	0	0	0	Қабул қилинди
2	Масала	6 881 875	100	0	0	0	0	0	0	0	0	Қабул қилинди
3	Масала	6 881 875	100	0	0	0	0	0	0	0	0	Қабул қилинди
4	Масала	6 881 875	100	0	0	0	0	0	0	0	0	Қабул қилинди
5	Масала	6 881 875	100	0	0	0	0	0	0	0	0	Қабул қилинди
6	Масала	6 881 875	100	0	0	0	0	0	0	0	0	Қабул қилинди
7	Масала	6 881 875	100	0	0	0	0	0	0	0	0	Қабул қилинди
9	Масала	6 881 875	100	0	0	0	0	0	0	0	0	Қабул қилинди

Мажлис кун тартибидаги масалалар атрофида урганилиб Қарор қабул қилади.

1. «Наврўз деҳқон бозори» АЖнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин

(ёқлаган 6 881 875 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

2. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан «ХВ FINANCE KONSUTING» МЧЖнинг аудиторлик ижобий фикр хулосаси инобатга олинсин

(ёқлаган 6 881 875 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

3. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи инобатга олинсин ва тасдиқлансин (ёқлаган 6 881 875 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

4. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сонли қонуни 12-бандида “Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан, уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2023 йилнинг 1 июлига қадар 2022 йил якуни бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2023 йилнинг 1 сентябрдан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилиши белгилаб қўйилганидан келиб чиқиб, жамият соф фойдасининг 50% қисми яъни, 238 273,5 минг сўми акциядорларга дивиденд тўлашга йўналтирилсин, амалдаги қонун бўйича соф фойданинг 5% қисми яъни 23827,35 минг сўм захирага фондига ажратилсин ва ва қолган 214446,15 минг сўм соф фойда Ўзбекистон Республикаси “Солиқ кодекси”нинг 41 моддаси (41.4) ва Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 48-моддаси (48.3.) талабларидан келиб чиқиб, акциядорларга дивиденд беришга, яъни капитализация йўли билан жамият устав фондиди қўшимча акциялар чиқариш йўли билан оширишга йўналтирилсин (ёқлаган 6 881 875 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

5. Жамиятнинг 2023 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин. Жамият бошқарувида «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш шarti билан тасдиқлансин, зарур бўлган вақтларда

«Бизнес-режа»си ҳамда «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» га ўзгартириш киритиш валолати жамият Кузатув кенгашига берилсин.

(ёқлаган 6 881 875 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

6. Жамият директори этиб Машарипов Одамбой Сапарматович сайлансин (ёқлаган 7 050 065 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

6.1. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги «Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-760-сонли қонуни талабидан келиб чиқиб, жамият директори О.Машариповнинг меҳнат шартномаси уч йил муддатга тузилсин

6.2. Белгилаб қўйилсинки, ҳар йили йил якуни бўйича бўлиб ўтадиган акциядорлар умумий йиғилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи кўриб чиқиладди ва бунда меҳнат шартномани давом эттирилишига жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолатига, ҳар чорак якуни бўйича жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлигига қаралади. (ёқлаган 6 881 875 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

7. Жамият ««XB FINANSE KONSUTING » МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан 2022 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижаси -11 балл «кониқарли» баҳо, фоиз шкала 1 % баҳоси маълумот учун қабул қилинсин, келгусида берилган кўрсаткич натижаларини янада яхшилаш бўйича зарурий чоралар кўрилсин.

(ёқлаган 6 881 875 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

8. Жамиятнинг 2022 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб «**GREAT FOURS**» МЧЖ тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп чегараси 14 500 000 сўм миқдорда белгилансин.

(ёқлаган 6 881 875 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

9. Жамиятнинг ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(ёқлаган 6 881 875 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

Баённома имзоланган сана: «28» апрель 2023 йил

Мажлис раиси

Мажлис котиби



Д.И.Ганиев

Д.Рахматова